ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ХАЙДАРОВ АСҚАРБЕК

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 336.717.061 (575.1)

Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление атореферата диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам

Contents of Dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on economical sciences

| Хайдаров Асқарбек Ўзбекистонда фуқаролар давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш | . 3 |
|---|-----|
| Хайдаров Аскарбек Совершенствование системы государственного пенсионного обеспечения граждан в Узбекистане | 35 |
| KhaydarovAskarbek Improvement of the system of state pension provision of citizens in the Republic Uzbekistan | |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works | 72 |

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ХАЙДАРОВ АСҚАРБЕК

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2018.1.PhD/Iqt504 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

| жонлаштирилган. | |
|---|---|
| Илмий рахбар: | Альмардонов Мухаммадали Ибрагимович иктисодиёт фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Жумаев Нодир Хосиятович иктисодиёт фанлари доктори, профессор |
| | Исломкулов Алимназар Худжамуратович иктисодиёт фанлари номзоди, доцент |
| Етакчи ташкилот: | Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети |
| DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли соатдаги мажлисида бўлиб ўта | кент молия институти хузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2019 йил «»куни ади. Манзил: 100000, Тошкент шахри, Амир Темур кўчаси, 60- (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz. |
| мумкин (рақам билан рўйхаті | ент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш га олинган). Манзил: 100000, Тошкент шахри, Амир Темур 3-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz. |
| Диссертация автореферати 2 (2019 йил «»да | 2019 йил»»куни тарқатилган. пгирақамли реестр баённомаси.) |
| | Б.Э.Ташмурадова |

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

С.У. Мехмонов

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И. Каримкулов

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш хузуридаги Илмий кенгаш раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (Диссертация ишининг аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жахон амалиёти тасдиклашича, пенсия таъминоти масаласи хар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг энг мухим вазифаларидан бири хисобланади. «Турли пенсия шаклланиши тараққиётининг жахон тизимларининг ва кўрсатишича»¹, пенсия таъминоти у ёки бу даражада мажбурий пенсия суғуртаси тамойилларига асосланади. Бундай ёндашув мажбурий пенсия суғуртасининг турли ахоли қатлами манфаатларига мос келиши билан изохланади. «Жахон банки ва Халқаро валюта фонди тавсияларида»² пенсия тизимлари уч даражали пенсия тизимларига таснифланган бўлиб, улардан иккитаси мажбурий пенсия суғуртасидан, қолгани эса кексалик даврида кўпрок моддий химоядан манфаатдор суғурталанувчилар учун ихтиёрий жамғармаларни индивидуал хисобга олиш тизимидан иборат. Албатта, ушбу тавсиялар асосида пенсия тизими даражалари мамлакатдаги ижтимоийиқтисодий ва демографик вазият, солиқ ва молия тизими, мехнатга хақ тўлаш тизими ва мехнат бозори холатига мувофик равишда ташкил этилади. Иктисодий хамкорлик ва тараккиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда пенсия тизимида ислохотларнинг амалга оширилиши, демографик омиллар билан боғлиқ булди. Халқаро валюта фондининг прогнозларига кўра, 2050 йилга бориб, саноати ривожланган барча мамлакатларда пенсия ёшидаги ахоли улушининг ўсиб бориши кузатилади, яъни пенсионерлар улуши ўртача 2 баробарга ортади. «Япония, Италия ва Германияда 2050 йилга бориб, пенсионерлар улуши бир мунча юкори бўлади 3 .

Халқаро микёсда барча давлатларда пенсия таъминоти узлуксизлигини таъминлаш ва даромадлар базасини барқарорлаштириш, бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий-тадкикот олиб борилмокда. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда пенсия тизими билан боғлиқ тараққиёт кўрсаткичларини ва демографик ўзгаришларни прогнозлаш хамда эконометрик моделлаштириш оркали фукаролар пенсия таъминотини самарали ташкил этишга йўналтирилган тадкикот ишларига устуворлик берилмокда. Илмий тадкикотларда, бир томондан пенсия фондлари даромадларини диверсификациялаш, даромад кенгайтириш, иккинчи томондан пенсия таъминоти даражасини ошириб бориш орқали ахоли турмуш фаровонлигини ошириш йўналишларини белгилаш хар доим долзарб ахамият касб этиб келган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўртача умр кўриш давомийлигининг ошиб бориши, пенсионерлар сонининг кўпайиб бориши, ахолининг пенсия таъминоти тизимидаги иштирокининг нисбатан паст

-

¹ http://vectoreconomy.ru/images/publications/2017/11/financeandcredit/Umyarova.pdf.

² Вахабов А.В. ва бошқ. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Дарслик. – Тошкент, «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2018. – Б. 27.

https://cyberleninka.ru/article/v/zarubezhnyy-opyt-reformirovaniya-pensionnoy-sistemy-promyshlenno-razvityh-stran-i-vozmozhnost-ego-primeneniya-v-rossii.

эканлиги, пенсия микдори даражада ва ходимнинг мехнат даври ўртасидаги боғлиқликнинг кучсизлиги, пенсия тайинлаш давомийлиги талабларининг механизми ва эскирганлиги хамда пенсия ТИЗИМИ демографик ўзгаришлардан ислохотларининг ортда қолаётганлигини кузатишимиз мумкин. Бу, ўз навбатида, давлат пенсия тизимини ислох қилиш ва фукаролар пенсия таъминотини такомиллаштиришни тақозо этади. Шунингдек, мазкур мавзунинг долзарблиги хусусида Олий Мажлисга Мурожаатномада «...пенсия таъминотини яхшилаш бўйича хам кўп ишлар қилишимиз лозим»лиги, «...пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислох қилиш зарур»⁴ лиги алохида таъкидлаб ўтилди. Мазкур холатлар ахолини ижтимоий химоя қилиш тизимининг пенсия таъминоти соҳасидаги асосий ёндашувларни қайта кўриб чикишни, замон талабларига мослаштиришни, халкаро мезонларга асосан такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сонли «Фукароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий кўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иктисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўгрисида»ги фармонларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадкикотнинг республика фан ва технологиялари йўналишларига боғлиқлиги. ривожланишининг устувор Мазкур диссертация тадкикоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва хукукий жамиятни маънавий-ахлокий ва маданий инновацион ривожлантириш, иктисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу мавзуни тадқиқ этиш юзасидан хорижлик ва юртимизнинг таниқли олимлари томонидан давлат пенсия таъминоти тизимининг назарий ва методологик асослари, халқаро тажрибалардан фойдаланиш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисолалар мавжуд. Пенсия таъминоти тизимини ташкил этишнинг айрим назарий ва услубий жиҳатлари, хусусий пенсия таъминоти, пенсия жамғармалари фаолияти, пенсия таъминоти тизимидаги муаммолар хорижлик иқтисодчи-олимлар томонидан ўрганилган. Улар жумласига Репд J., Борисенко H., Валентин Р., Карчевский В., Скурова А., Федоров Л., Ижаева А., Талыкова А. 5 кабиларни киритиш мумкин.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси (http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017).

⁵ Jun Peng.State and Local Pension Fund Management (Public Administration and Public Policy) 0 th Edition. USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – 467 Р.; Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение. Учебник. – М.: «Дашков и К°», 2009. – 576 с.; Валентин Роик. Экономика, финансы и право социального

Давлат пенсия таъминоти тизимига оид мавжуд муаммоларни ҳал этишга доир илмий ҳарашлар Д.Қ.Аҳмедов, А.В.Ваҳобов, Н.М.Мажидов, Т.С.Маликов, Қ.Х.Абдураҳмонов, Б.Х.Умурзаков, Г.А.Қосимова, А.А.Ботиров, М.Ж.Зиядуллаев ва бошҳа⁶ олимларнинг илмий асарларида ўз аксини топган.

Жумладан, муаллифлар А.Шеметов ва С.Орловларнинг «Пенсионное обеспечение в Российской Федерации» номли монографиясида пенсия таъминоти тизими моделлари, уларнинг принциплари ва ўзига хос хусусиятлари, Россия пенсия таъминоти тизимининг жорий холати ўрганилган ва таҳлил қилинган, пенсия таъминоти тизимидаги муаммолар ва унинг сабаблари аниқланган, муаммоларни ижобий ҳал этиш йўллари бўйича илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллифлар Г.Касимова ва А.Ботировнинг «Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти» номли монографиясида жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг аҳамияти, назарий асослари, ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари очиб берилган.

А.Вахабов ва Н.Мажидовнинг «Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли» номли монографиясида пенсия тизими ривожланишининг назарий асослари, нодавлат пенсия таъминоти — пенсия тизимининг ижтимоий-инвестицион инфратузилмаси элементи сифатидаги роли, миллий пенсия тизимларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва инвестицион имкониятларини оширишнинг хориж тажрибаси тадқиқ қилинган.

страхования. Институты и страховые механизмы. – М.: «Альпина Паблишер», 2012. – 258 с.; Карчевский В.В. Целевые бюджетные и внебюджетные фонды. – М.: «Вузовский учебник», 2011. –224 с.; Скурова А.В. Развитие системы негосударственного пенсионного страхования в России и за рубежом: автореф. к.э.н. – Москва, Всероссийская академия внешней торговли. 2011. – 26 с.; Федоров Л.В. Пенсионный фонд Российской Федерации. Учебник - 2-е изд. – М.: «Дашков и К», 2010. – 396 с.; Ижаева А.Р. Концепция развития пенсионной системы Российской Федерация в посткризисный период: автореф. ... к.э.н. – Москва: ФГБОУ ВПО Гос. Унив. Управ. 2013. – С. 31.; Талыкова А.А. Негосударственные пенсионные фонды в

России: закономерности развития и совершенствование управления. Автореферат диссертации на соискание

ученой степени кандидата экономических наук – М.: ГУУ. 2010. – С. 11.
⁶ Ахмедов Д.Қ. Ижтимоий таъминот хукуки. Дарслик. – Т.: «ТДИЮ», 2008. – 406 б.; Вахабов А.В., Мажидов Н.М. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Т.: «Университет», 2017. – 128 б.; Маликов Т.С. Молия. Дарслик / Тошкент Молия институти. – Т.: «Ношир», 2012. – 712 б.; Инсон тараққиёти. Дарслик. и.ф.д., проф. Қ.Х. Абдураҳмонов таҳрири остида. – Т.: «Иқтисодиёт», 2013. – 120 б.; Умурзаков Б.Х. Демографик ҳолат, меҳнат ва пенсия микдорларига оид тенденциялар. «Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш концепцияси: халқаро таҗриба ва тенденциялар, Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги республика илмий-амалий анҗуман материаллари тўплами. 2018 йил 23 окиябрь. – Т.: «Иқтисод-молия», 2018. – Б. 11-13. Қосимова Г.А., Ботиров А.А. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. Монография. – Т.: «Тамаддун», 2015. – 108 б.; Хаитов А., Зиядуллаев М. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хориж таҗрибаси. – Т.: «Адолат», 2009. – 172 б.

⁷ Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: «Изд-во Курганского гос. ун-та», 2013. – 106 с.

 $^{^{8}}$ Касимова Γ ., Ботиров А. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. Монография. – Т.: «Тамаддун», 2015. – 108 б.

⁹ Вахабов А., Мажидов Н. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Т.: «Университет», 2017. – 128 б.

Г.Касимова ва Д.Шолдоровнинг «Пенсия таъминоти маблағларини бошқариш» 10 номли монографиясида ахолини ижтимоий химоялаш тизимида пенсия таъминотининг ўрни ва ахамияти, пенсия таъминотида молиявий ресурсларнинг хавфсизлиги ва рисклар, пенсия таъминоти маблағларини инвестициялашда рискларни бошқариш хамда пенсия таъминоти маблағларини самарали бошқариш масалалари ёритиб берилган.

«Ўзбекистонда Д.Рустамовнинг пенсия тизимини молиявий масалалари $>^{11}$ барқарорлигини таъминлаш номли монографиясида **Ў**збекистонда жамғармасининг Пенсия баркарорлигини молиявий таъминлашнинг илмий-назарий асослари, Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари, пенсия тизими холати ва ривожланиш тенденциялари хамда Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлаш истиқболлари юзасидан этилган бўлиб, мухим тадкик улар шакллантирилган ва таклиф-тавсиялар ишлаб чикилган.

Ш.Ражабовнинг илмий ишларида 12 нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш масалалари тадқиқ килинган.

Ш.Давроновнинг «Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш» номли диссертация ишида пенсия таъминоти тизимининг ривожланган мамлакатлар амалиёти таҳлил қилинган, бу борада Ўзбекистондаги ҳолат тадқиқ этилган ҳамда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бирок, илғор халқаро тажриба асосида Ўзбекистонда фукаролар давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш муаммолари алоҳида, мустақил тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилмаган. Бу ҳолат мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини белгилайди ва диссертация иши мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадкикот ишлари режалари билан боғликлиги. Тадкикот иши Тошкент молия институти илмий-тадкикот ишлари режасига мувофик ФМ-1 «Ўзбекистонда макроиктисодий баркарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иктисодий ривожланишни прогнозлашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш» йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фуқаролар давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Q

 $^{^{10}}$ Касимова Г., Шолдоров Д. Пенсия таъминоти маблағларини бошқариш. Монография. — Т.: «ТМИ», 2017. — 225 б

 $^{^{11}}$ Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2018. – 200 б.

¹² Ражабов Ш.У. Нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2018. – 66 б.

¹³ Давронов Ш.З. Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш. Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: «ИКТИСОД-МОЛИЯ», 2019. – 56 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пенсиянинг мазмун-мохияти, функциялари, ўзига хос хусусиятлари ва ахолини ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги ролини тадқиқ этиш;

давлат пенсия таъминоти тизимининг хукукий-меъёрий асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифларни шакллантириш;

пенсия таъминотини ташкил этишнинг илгор хориж тажрибаларини тадкик этиш;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларини ҳамда пенсияларни ҳисоблаш ва тайинлаш амалиётини таҳлил ҳилиш;

жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини таҳлил қилиш ва унга оид тенденцияларни аниқлаш;

пенсия таъминоти тизимига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш, тавсифлаш ва таснифлаш;

фукароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимидаги муаммоларни аниклаш;

тараққий этган мамлакатларнинг пенсия таъминоти бўйича илғор тажрибаларидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаб бериш;

Ўзбекистонда пенсия таъминотини тизимини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

пенсия таъминотини тизимини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чикиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, фуқаролар пенсия таъминоти тизимида содир бўладиган иктисодий-хукукий муносабатлар хисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаштириш, монографик тадқиқот, иқтисодий таҳлил, абстрактмантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, статистика, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

пенсия таъминотида ижтимоий адолат принципларини кучайтириш, рағбатлантирувчи механизмларни жорий қилиш, пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат ҳиссаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни оширишда пенсияларни ҳисоб-китоб қилиш учун олинадиган иш ҳақининг максимал миқдорини ошириш таклиф этилган;

аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қуллабқувватлашни кучайтиришда болаликдан ногиронлиги булган фарзанди бор оналарга ижтимоий нафақа тайинлаш услуби такомиллаштирилган;

фукаролар давлат пенсия таъминоти тизимида ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат стажини ошириш,

фукароларнинг мехнат стажи давомийлигини ва пенсия микдори ўртасидаги боғликликни таъминлаш такомиллаштирилган;

мехнат дафтарчаларини рақамлаштириш билан биргаликда пенсия ажратмалари ва бандликни ҳисобга олиш тизимларини модернизация қилиш ҳамда пенсия тизими барқарорлигининг ўрта ва узоқ муддатли прогнозини ишлаб чиқиш механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

амалдаги норматив-хукукий хужжатлар ва иктисодчи-олимларнинг фикрларини тахлил килган холда, «пенсия» ва «пенсия тизими» тушунчаларига муаллифлик таърифи берилган;

давлат пенсия таъминоти тизимига таъсир этувчи омиллар тавсифланган ва таснифланган;

фукароларнинг пенсия микдори, иш стажи ва иш ҳақининг ўзаро боғлиқлик хусусиятлари қўшимча далиллар билан асосланган;

фукаролар давлат пенсия таъминоти тизимидаги амалий муаммолар ечимига қаратилган тавсиялар асослаб берилган;

фукаролар давлат пенсия таъминоти тизимининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда пенсия тизимини самарали ташкил қилиш билан боғлиқ амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

фукароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чикилган;

фукаролар давлат пенсия таъминоти тизимини ислох килиш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чикилган.

Олинган натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг ишончлилиги манбалардан олингани, муайян меъёрий хужжатлар, тегишли идора ва ташкилотларнинг хисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан фуқаролар пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар фуқаролар пенсия таъминоти тизимини самарали ташкил этишга хизмат қилиши, давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш Концепциясининг ишлаб чиқилишида, шунингдек, келгусида пенсия қонунчилигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда фуқаролар давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

пенсияларни хисоблаб чикариш учун хисобга олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорига қўйиладиган чегара (чеклов)ни амалдаги 8 баробаридан 10 баробарига ошириш, истикболда эса уни 12 баробарга етказиш хакидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сонли «Фукароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қуллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2018 йил 21 ноябрдаги ШД/30-01-32-1297-сон амалиётга маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий фукароларнинг пенсия таъминоти тизимидаги иштирокига, жумладан, уларнинг мехнат фаолияти давомийлигини таъминлаш ва юкорирок микдорда иш хаки олувчиларни рағбатлантиришга ижобий таъсир кўрсатган;

болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга улар 55 ёшга етганларида ёшга доир нафака тайинлаш зарурлиги бўйича берилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635йилларда **У**збекистон «2017-2021 Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўгрисида»ги фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2018 йил 21 ноябрдаги ШД/30-01-32-1297сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши ахолининг эхтиёжманд қатламларини ижтимоий химоясини хамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга хизмат қилган;

ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат стажини (ҳозирда 7 йил) 2020 йилдан бошлаб босқичма-босқич бир йилдан ошириб, уни 10 йилга етказиш бўйича берилган илмий таклиф Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2018 йил 21 ноябрдаги ШД/30-01-32-1297-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф фуқароларнинг меҳнат стажи давомийлиги ва келажакдаги пенсия миқдори ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлайди ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларининг бир йилда ўрта ҳисобда 66,4 млрд. сўмга тежалишига олиб келган;

мехнат дафтарчаларини рақамлаштириш билан биргаликда пенсия ажратмалари ва бандликни ҳисобга олиш тизимларини модернизация ҳилиш, пенсия тизими барқарорлигининг ўрта ва узоқ муддатли прогнозини ишлаб чиҳишга доир таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8

январдаги ПФ-5614-сонли «Иқтисодиётни янада ривожлантириш иқтисодий оширишнинг чора-тадбирлари самарадорлигини қўшимча тўгрисида»ги Фармонига илова қилинган 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида таркибий ислохотлар асосий йўналишларининг «Йўл харитаси»да ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2018 йил ноябрдаги ШД/30-01-32-1297-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф бандликни фукароларнинг пенсия ажратмалари ва хисобга тизимларини модернизация килиш хисобига пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш имконини берган.

Тадкикот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадкикот натижалари 5 та, жумладан 3 та республика ва 2 та халкаро илмий-амалий анжуманларда мухокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйҳати ва иловадан иборат. Тадқиқот ишининг ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмийтадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти, предмети ва усулларига тавсиф берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Давлат пенсия таъминоти тизимининг назарий ва ташкилий-хукукий асослари» деб номланиб, унда пенсия таъминоти тизимининг назарий асослари ва ахолини ижтимоий химоя килиш тизимида тутган ўрни, Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг ташкилий-хукукий асослари ва ўзига хос хусусиятлари хамда хорижий мамлакатларда пенсия таъминоти тизимини ташкил этиш тажрибалари ёритилган.

«Пенсия» сўзи лотинча «pension» сўзидан олинган бўлиб, мехнат кобилиятини, ва демак, иш хаки кўринишидаги даромад манбаини йўкотганда, кариликда, ногиронликда ёки бокувчисини йўкотганда моддий таъминлаш учун мунтазам тўланиши мўлжалланган пуллик тўлов маъносини англатади.

Иқтисодий адабиётларда пенсия атамасига турлича таърифлар берилган. Жумладан:

- «пенсия қарилик, ногиронлик, хизмат қилган йиллари учун ва боқувчисини йўқотганда фуқароларни моддий жихатдан таъминлаш учун пул суммаларининг кафолатланган хар ойлик тўлови» 14;
- «ишловчиларнинг пенсия жамғармасига тўловлари, иқтисодий нуқтаи назардан улар иш ҳақининг бир қисмидир. У ишчи кучининг қийматига киради, аммо институционал муайян кечиктирилган муҳлатда амалга оширилади, бу ишловчиларнинг Пенсия жамғармасига қўйган ва қайтарилиши лозим бўлган ўзига хос мақсадли улуши, омонатидир» ¹⁵;
- «пенсия суғурталанган шахсга унинг йўқотилган муайян даромад миқдорини белгилаб турувчи даражасининг компенсациясидир» ¹⁶;
- «пенсия фукароларнинг қариликдаги молиявий барқарорлигини таъминловчи энг муҳим даромад манбаи» ¹⁷;
- «фукароларнинг қонунчиликда белгиланган кексалик ёшига етганида, ногиронлик туфайли меҳнат фаолиятини йўқотганида, шунингдек,

 15 Аллаяров Ш., Тошмухамедова Д. Давлат пенсия таъминоти. Ўкув кўлланма. — Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2015. — Б. 232.

¹⁷ Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0 th Edition.USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – P. 2-5.

¹⁴ Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: «Ношир», 2012. – Б. 676.

 $^{^{16}}$ Умурзаков Б.Х. Пенсия бадали солик тўловларидан нима билан фаркланади? — Т.: «Иктисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. 1-сон, 2011. — Б. 5.

боқувчисидан махрум бўлганида ва қонунда назарда тутилган бошқа қолларда қонунчиликда белгиланган шартлар ва меъёрлар асосида бериладиган ҳар ойлик тўловлар» 18.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, пенсияга қуйидагича таъриф бериш мумкин: фуқароларга пенсия ёшига тўлиши, ногиронлиги ва боқувчисидан махрум бўлганлиги туфайли қонунчиликда белгиланган шартлар ва меъёрлар асосида бериладиган ҳар ойлик тўловларга пенсия дейилади.

Турли пенсия тизимларини тахлил қилиш уларнинг элементлари ва хусусиятларини мухим белгиларига кўра гурухлаш имконини беради (1-жадвал).

1-жадвал Пенсия тизимларини тавсифловчи мезонлар таркиби 19

| Тартибга солиш сохаси | Мезон турлари | | |
|--------------------------|---|--|--|
| Пенсияларни | - пенсия ёши, ш.ж. аёллар ва эркаклар учун; | | |
| тайинлаш ва | - суғурта стажи, ш.ж. аёллар ва эркаклар учун; | | |
| тўлаш шартлари | - ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлаш тартиби; | | |
| | - муддатидан олдин пенсияга чикиш тартиби. | | |
| Пенсия | - пенсия таъминотининг кафолатланган меъёрлари (пенсияларнинг | | |
| миқдорини | энг кам микдори, ш.ж. суғуртавий ва ижтимоий пенсиялар бўйича); | | |
| хисоблаш тартиби | - ўртача пенсия микдорининг ўртача иш хаки микдорига нисбати; | | |
| _ | - иш хаки микдорини хозирги кун даражасига тенглаштириш | | |
| | тартиблари; | | |
| | - пенсияни хисоблаш ва суғурта бадалларини ундиришда қабул | | |
| | қилинадиган иш ҳақининг юқори даражаси | | |
| Молиявий | - асосий ижтимоий субъектларнинг (иш берувчилар, ишловчилар, | | |
| жихатдан | давлат) пенсия тизимини молиявий жихатдан таъминлаш бўйича | | |
| таъминланиши | мажбуриятлари; | | |
| | - ижтимоий пенсияларга харажатлар микёси; | | |
| | - тақсимланадиган, жамғариб бориладиган ва аралаш пенсия | | |
| | тизимларида молиявий таъминот манбаларининг таркиби ва | | |
| | тузилиши; | | |
| | - ўрта ва узоқ истикболда пенсия тизими харажатларининг ялпи | | |
| | ички махсулотдаги улуши. | | |
| Пенсия | - мамлакатнинг иктисодий ва демографик ривожланиш | | |
| тизимларини | истикболларига боғлик равишда пенсия тизимларини | | |
| шакллантириш | шакллантириш босқичлари; | | |
| учун шароитлар ва | - пенсия суғуртаси тўловчилар билан пенсионерлар сонининг | | |
| унинг қиймати | нисбати; | | |
| | - молиявий институтларни яратиш боскичлари; | | |
| | - суғурта захираларини шакллантириш даражаси. | | |
| Бошқарув | - бошқарув органларининг тузилиши; | | |
| органлари | - ижроия органларининг таркиби; | | |
| | - назорат қилувчи органларнинг таркиби ва ваколатлари. | | |


Турли пенсия тизимлари ана шу белгиларига кўра бир-биридан фарк килади. Умуман олганда, мамлакатда ахолининг пенсия таъминоти даражаси

¹⁹ Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение. Учебник. М.: «Дашков и К*». 2009. – С. 32-35.

 $^{^{18}}$ Маматов Б.С. Пенсия жамғармаси фаолияти. — Т.: «Баркамол файз медиа», 2017. — Б. 13.

устувор равишда иккита омилга боғлиқ: ижтимоий химоя тизимининг қай даражада ривожланганлиги ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси. Хар иккала омил, шунингдек пенсия таъминоти даражаси мамлакатдаги тарихий, маданий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар билан белгиланади.

Миллий пенсия тизимларини ташкил этишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:



1-расм. Миллий пенсия тизимининг мазмуни ва ташкил этилишининг асосий тамойиллари²⁰

Юқоридаги тамойилларга амал қилиниши учун пенсия тизимлари иқтисодий мақбулликни, индивидуал адолатни ва ижтимоий самарани таъминлаши керак.

Иқтисодий мақбуллик ва самарадорлик суғурта юкини суғурта бадалларини (ёки ягона ижтимоий тўловни) тўловчилар билан пенсия олувчилар ўртасида окилона ва адолатли таксимлашни назарда тутади.


Индивидуал адолат пенсия суғуртаси билан суғурталанган шахснинг пенсия тизимини молиялаштиришда иштирок этиш кўламлари билан унинг пенсия олишга бўлган хукукларининг эквивалентлиги ёки аник боғлик бўлиши билан ифодаланади.

-

 $^{^{20}}$ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.



Аксарият мамлакатларда ижтимоий химоя тизими ўз ичига қуйидаги асосий элементларни қамраб олади:



3-расм. Ижтимоий химоя тизимининг асосий элементлари²²

Ижтимоий самарага эришиш учун пенсия тизими, нафакат, ундаги минимал кафолатларни таъминлаб бериши (минимал иштирокчига пенсиялар), балки барча пенсионерларга муносиб яшаш даражасини таъминлаши зарур.

Узбекистонда пенсия таъминоти тизимининг шаклланиш ва ривожланиш боскичларини куйидаги расм оркали ифодалаймиз:

²¹ Тадқиқот натижасилари асосида муаллиф томонидан тузилди.

²² Антропов В.В. Экономические моделы социальной защиты на селения в государствах ЕС. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. - М.: «Мировая экономика и международные отношения». 2007. – С. 11.

Ўзбекистонда пенсия тизимининг шаклланиши ва ривожланиши боскичлари

1-босқич (1918-1956 йиллар) даврида меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги туфайли ногирон бўлганларга, қарияларга ва кўп йиллик хизматлари учун каби пенсия турлари жорий этилди.

2-босқич (1956-1990 йиллар) даврида давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги илк бор ягона қонуннинг қабул қилиниши, бунга асосан барча тармоқ ишчи-хизматчилари учун (колхозчилардан ташқари) ягона пенсия тартибининг белгиланиши.

3-босқич (1990-1994 йиллар) мамлакат иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтиши, пенсия таъминоти бўйича иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши.

4-босқич (1994-2004 йиллар) — Ўзбекистон Республикасининг «Фукароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, пенсия тизими хукукий асосларининг такомиллаштирилиши, пенсия таъминотида ахборот тизимларининг қўлланиши ва бошқалар.

5-босқич (2005-2016 йиллар) — фукароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими билан бирга фукароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти амал қила бошлади. 2005-йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг «Фукароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни кучга кирди.

6-босқич (2017-йилдан ҳозирги даврга қадар) — 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишида аҳолини ижтимоий ҳимоясини кучайтириш чора-тадбирлари белгиланди. Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақалар тайинлаш ва тўлашга оид йўриқнома қабул қилинди. «Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш Концепцияси» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди.

4-расм. Ўзбекистонда пенсия тизимининг шаклланиши ва ривожланиши боскичлари²³

Хозирда амал қилаётган пенсия моделларини 2-жадвал асосида ифодалаймиз.

_

²³ Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Асосий пенсия моделларининг киёсий тахлили²⁴

| Пенсия | Ислохотларни амалга ошириш | Ислохотлар | Ислохотлар | Ислохотлар |
|---|--|---|--|--|
| моделлари | шарт-шароитлари | тавсифи | мохияти | мақсади |
| Лотин Америкаси пенсия модели | Демографик ва иктисодий шартшароитлар кулай. Ислохотлар бошида мамлакат ахолисининг ярмини 15 ёшдан кичиклар ташкил килган, ишлаётганлар сони эса пенсионерлар сонидан 10 марта кўп бўлган | Туб ислохотлар амалга оширилди | Жамғариб бориладиган давлат пенсия тизимига ўтишнинг мажбурийлиги ва тезкорлиги | Кўп даражали пенсия тизимига ўтиш ёки мажбурий жамғариб бориладиган схемалар асосида кўп даражали модел жорий қилиш |
| Иктисодий ривожланган мамлакатлар пенсия модели | Пенсия тизимини ислох килиш индустриал ривожланиш боскичида. Ислохотларни амалга ошириш даврида демографик омилларда жиддий ўзгаришлар кузатилган | Параметрли ёндашув | Авлодлар бирдамлиги пенсия тизими етакчи бўлган холда пенсия схемаларини қисман жамғариладиган тизим асосида қайта ташкил қилиш | Икки боскичли пенсия тизимини яратиш: 1. Умумий соликлар хисобидан молиялаштирилувчи мажбурий давлат тизими. Минимал даромадни таъминлайди 2. Ишчининг иш хакига боғлик бўлган жамғариб бориладиган пенсия тизими (танлаш хукуки асосида давлат пенсия схемаси ёки хусусий пенсия фондларида иштирок этиш) |
| Собик Иттифок мамлакатлари пенсия модели | Пенсияга чиқиш ёшининг нисбатан кичиклиги, пенсия бўйича имтиёзларнинг кўплиги, етарли даражада иқтисодиётнинг ривожланмаганлиги | Тизимли ёндашув | Пенсия тизимининг таксимланувчи компонентларини такомиллаштириш оркали пенсия тадбирларини диверсификациялаш ва хусусий тизимни яратиш | Кўп даражали тизимни яратиш, унинг мақсади бирдамлик схемасининг афзалликларини жамғариб бориладиган схеманинг афзалликлари билан бирлаштириш ва у уч қисмдан иборат: 1. Базавий (бирдамлик принципи асосида); 2. Мажбурий жамғариб бориладиган; 3. Хусусий ихтиёрий суғурта тизими |

_

 $^{^{24}}$ Романченко В.С. Сравнительный анализ международного опыта развития пенсионной системы. $^{-}$ М.: «Вестник МИЕП», 20 5. № 3 (20). $^{-}$ С. 58-73.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистонда фукаролар пенсия таъминоти тизимининг хозирги холати ва унга оид тенденциялар таҳлили» деб номланган бўлиб, ушбу бобда давлат пенсия таъминоти тизимининг жорий холати ва унга оид тенденциялар ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари таҳлил ҳилинган, шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти амалиёти тадҳиҳ этилган.

Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг ташкилий жиҳатдан икки шакли мавжуд (5-расм).



5-расм. Пенсия таъминоти тизимининг ташкилий шакллари²⁵

- 1. Фукароларнинг бирдамлашган давлат пенсия таъминоти. Ушбу тизимнинг мохияти шундаки, ижтимоий суғурта асосидаги пенсия тизими «авлодлар бирдамлиги» принципига асосланган «тақсимланувчи» элементлардан таркиб топган бўлиб, бунда иш берувчилар ва ишловчилар Пенсия жамғармасига мажбурий тўлов ва бадалларни тўлаб боради, шаклланган маблағлар ҳисобидан пенсионерларга пенсиялар тўлаб борилади ва бу жараён узлуксиз давом этади. «Бирдамлик пенсия тизимида жорий пенсия мажбуриятларини қоплаш учун зарурий бадал турларини йиғиш амалга оширилади» 26.
- 2. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда, иш берувчиларнинг пенсия ёшига етган ходимларнинг моддий ахволини яхшилаш, шу асосда пенсионерларга амалдаги пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, кексалик чоғида фуқаронинг ўз фаровонлиги учун шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида 2005 йил 1 январдан жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий қилинди. Ушбу тизимда фуқароларнинг ажратмалари улар пенсияга чиққунларига қадар жамғариб борилади ва пенсияга чиққанидан кейин тўлаб берилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг жамғармалари ихтиёрий ва мажбурий пенсия бадалларидан шаклланади.

Бунда фукароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобрақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг

²⁵ Маматов Б.С. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. – Т.: «Иқтисод-молия», 2017. – Б. 13.

²⁶ Вахабов А.В., Мажидов Н.М Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Т.: «Университет», 2017. – Б. 10.

хисобланган иш хаки (даромади)нинг 0,1 фоизи микдорида оширилади. Демак, Ўзбекистонда пенсия таъминотининг хар иккала тизими пенсионерларнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш учун шартшароитлар яратишга қаратилган 27 .

2018 йилда Пенсия жамғармаси томонидан фуқароларга янги тайинланган пенсия ва нафакалар жами сони 330500 тани ташкил килиб, бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 166731 тага кўпдир. 2013-2018 йилларда ўрта хисобда йилига 207141 та пенсиялар хамда 36338 та ижтимоий нафакалар тайинланган (3-жадвал).

3-жадвал Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан 2013-2018 йилларда янги тайинланган пенсия ва нафакалар сони²⁸

| № | Кўрсаткичлар | 2013 йил | 2014 йил | 2015 йил | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил |
|------|--|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| 1. | Хисобот даврида янги тайинланган пенсия ва нафақалар жами сони | 163769 | 183868 | 225307 | 257812 | 298007 | 330500 |
| 2. | Пенсиялар | 139219 | 157491 | 195928 | 225317 | 251894 | 273000 |
| 2.1. | ёшга доир | 111123 | 128292 | 164622 | 192157 | 206176 | 220195 |
| 2.2. | ногиронлик | 13608 | 14 564 | 15005 | 16101 | 25304 | 34507 |
| 2.3. | боқувчисини йўқотганлик | 14488 | 14 635 | 16301 | 17059 | 20414 | 23769 |
| 3. | Ижтимоий нафакалар | 24550 | 26 377 | 29379 | 32495 | 46113 | 59116 |
| 3.1. | ёшга доир | 631 | 877 | 1802 | 2934 | 5291 | 7648 |
| 3.2. | 1 ва 2-гурух ногирон (стажи йўк) | 2028 | 2386 | 2945 | 3821 | 7621 | 11321 |
| 3.3. | боқувчисини йўқотган | 3148 | 3393 | 3802 | 4267 | 4535 | 4738 |
| 3.4. | 1 ва 2-гурух 16 ёшдан катта ногирон | 6509 | 6299 | 6473 | 6379 | 9660 | 12741 |
| 3.5. | 16 ёшгача ногирон бола | 12234 | 13422 | 14357 | 15094 | 19006 | 22668 |

Бундай холат Пенсия жамғармаси томонидан фукароларга янги тайинланган пенсия ва нафакалар сонининг муттасил ўсиб тенденциясига эга эканлигини хамда мамлакатимизда пенсия ва нафака олувчи фукаролар сонининг кўпайиб бораётганлигини кўрсатади.

жамғармаси даромадларининг шаклланишида шахсларнинг иш ҳақи фондидан тўланадиган ягона ижтимоий ажратмалар ва фукароларнинг мажбурий суғурта бадаллари мухим ўрин эгаллайди. 2014-2018 йилларда мазкур кўрсаткичлар ўсиш суръатларига эга бўлган (4жадвал). Аммо, 2014 йилда ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар Пенсия жамғармаси жами даромадларининг 55,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб, бу кўрсаткич 50,8 фоиз бўлган, яъни 2018 йилда 2014 йилга

²⁷ Маматов Б.С. Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизими: жорий холати ва такомиллаштириш йўллари // Бозор, пул ва кредит. 2018. №3. (250). 50 б.

²⁸ Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

нисбатан 4,6 ф.п.га, фукароларнинг мажбурий суғурта бадаллари эса 4,1 ф.п.га пасайган. Бошқа даромадлар улуши ўсиш суръатларига эга бўлган. Бундай ҳолат Пенсия жамғармаси даромадлари микдори муттасил ошиб бораётганлигини кўрсатади ва аҳолини ижтимоий ҳимоя ҳилиш нуҳтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

4-жадвал Пенсия жамғармаси даромадлари таркиби ва ҳажми 29 , млрд. сўмда

| Nº | Кўрсаткичлар | 2014 йил | 2015 йил | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил | 2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши, марта |
|----|--|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|--|
| 1. | Йил бошига қолдиқ | 1472,4 | 2564,4 | 2118,7 | 2310,7 | 3007,5 | 2,0 |
| 2. | Ягона ижтимоий тўловдан тушумлар | 7338,6 | 7611,3 | 8774,7 | 10280,5 | 11808,0 | 1,6 |
| 3. | Фукароларнинг мажбурий суғурта бадаллари | 2036,2 | 2595,6 | 3121,5 | 3940,6 | 4466,3 | 2,2 |
| 4. | Махсулот сотиш ҳажмидан (иш, хизмат) мажбурий ажратмалар | 1505,8 | 1197,4 | 1354,7 | 1804,9 | 2059,9 | 1,4 |
| 5. | Бошқа даромадлар | 902,1 | 1130 | 1421 | 1681,4 | 1898,4 | 2,1 |
| | Жами даромадлар | 13255 | 15098,7 | 16790,7 | 20018,1 | 23240,1 | 1,8 |

Пенсия жамғармаси харажатлари таркибида асосий улушни ишламаётган пенсионерларга пенсия тўловлари ташкил қилади (5-жадвал).

5-жадвал Пенсия жамғармаси харажатлари таркиби ва ҳажми³⁰, млрд. сўмда

| № | Кўрсаткичлар | 2014 йил | 2015 йил | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил | 2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши, марта |
|----|--|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|--|
| 1. | Ишламайдиган пенсия олувчилар | 10334,4 | 12470,6 | 13894,6 | 15970,8 | 19586,9 | 1,9 |
| 2. | Ишловчи пенсионерлар | 316,9 | 987,3 | 430,4 | 486,7 | 616,6 | 1,9 |
| 3. | Кекса ва мехнатга лаёқатсиз ёшдаги фукароларга, дафн маросими нафакалар учун ва бошқа тўловлар | 31,2 | 120,4 | 152,6 | 174,6 | 237,7 | 7,6 |
| 4. | Бошқа харажатлар | 4,3 | 5,6 | 2,2 | 1,2 | 34,0 | 7,9 |
| | Жами харажатлар | 10686,8 | 12984 | 14479,8 | 16633,3 | 20475,2 | 1,9 |

²⁹ Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

³⁰ Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2014-2018 йилларда ушбу кўрсаткич Пенсия жамғармаси жами харажатларнинг ўртача 96 фоизини ташкил қилган ҳамда кекса ва меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги фуқароларга, дафн маросими учун нафақалар ва бошқа тўловларга харажатлар ўсиш суръатларига эга бўлган. Бу эса 2014-2018 йилларда ҳукуматимиз томонидан давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва фуқаролар ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган сайъиҳаракатлари натижасидир (5-жадвал).

Пенсия жамғармаси харажатларининг мамлакат ЯИМдаги улуши 2014-2018 йилларда ўртача 5,7 фоизни ташкил қилган (6-жадвал).

6-жадвал Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатлари ва унинг мамлакат ялпи ички махсулотига нисбати³¹

| Кўрсаткичлар | 2013 йил | 2014 йил | 2015 йил | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил |
|--|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| ЯИМ (номинал), млрд. сўмда | 144548,3 | 177153,9 | 210183,1 | 242494,5 | 302536,8 | 407514,5 |
| ЯИМнинг номинал ўсиши, %да | 100,0 | 122,6 | 118,6 | 115,4 | 124,8 | 134,7 |
| Пенсия жамғармаси харажатлари, млрд. сўмда | 9055,2 | 10686,8 | 12984 | 14479,8 | 16633,3 | 20475,2 |
| Пенсия жамғармаси харажатларининг номинал ўсиши, %да | 100,0 | 118,0 | 121,5 | 111,5 | 114,9 | 123,1 |
| Пенсия жамғармаси харажатларининг ЯИМдаги улуши, %да | 6,3 | 6,0 | 6,2 | 6,0 | 5,5 | 5,0 |

Ушбу кўрсаткич тарақкий этган мамлакатларда, хусусан, Францияда 13,7 фоизни, Германияда 11,3 фоизни, Японияда 10,2 фоизни, Швецияда 8,2 фоизни, АҚШда 6,8 фоизни, Россияда 9,2 фоизни ташкил этади. Шуни алохида таъкидлаш керакки, бунда тарақкий этган мамлакатларнинг фақат давлат пенсия таъминоти инобатга олинган.


6-жадвал маълумотлари Пенсия жамғармаси харажатларининг ўсиш суръатлари ЯИМнинг ўсиш суръатларидан ортда қолаётганлигини кўрсатади ва иктисодиётни модернизация килиш нуктаи назаридан ижобий холат хисобланади. Фақат, 2015 йилда Пенсия жамғармаси харажатларининг ўсиш суръатлари ЯИМнинг ўсиш суръатларидан юқори бўлган. Бунинг асосий сабаби, фукароларнинг иш хакидан ундириладиган мажбурий суғурта бадали ставкаси ошириб борилгани билан изохланади.

Сўнгги беш йил ичида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан жами пенсия ва нафақа олувчиларнинг жами аҳолидаги улуши 9,7 фоиздан 10,3 фоизга ортган ёки 375,2 минг нафарга кўпайган. Жами пенсия ва нафақа олувчиларнинг меҳнатга лаёқатли аҳолига нисбати 2013 йилда 22,2 фоиздан 2018 йил оҳирида 23,0 фоизга етган. Аммо,

-

³¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

мехнатга лаёқатли ахолининг атиги 4,8 млн. нафари ёки 33 фоизи Пенсия жамғармасига мажбурий ижтимоий суғурта бадаллари тўлаб борган.




6-расм. Ўзбекистонда пенсия ва нафақа олувчилар сонининг ўзгариш динамикаси, минг нафар³²

Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиясига мувофик, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими барқарор фаолият юритиши учун пенсия таъминоти тизимига суғурта бадали тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати 4:1 даражада бўлиши ижобий ҳолат ҳисобланади. Бирок, бугунги кунда Ўзбекистонда мазкур кўрсаткич амалда 1,5:1 нисбатни ташкил қилади.

2013-2024 йиллар учун демографик прогнозларга кўра, Ўзбекистон аҳолиси таркибида пенсия ёшидаги аҳолининг улуши (1,2 млн. кишига) кўпайиши кутилмокда. Бу эса, ўз навбатида, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларининг мутаносиб равишда ортишига олиб келади. Ёшга доир пенсияга чикиш учун мурожаат килган фукароларнинг йиллик сони 2016 йилда 2013 йилга нисбатан 1,85 баробарга ёки 95,1 минг нафарга кўпайган. Агар, ёшга доир пенсияни тайинлашнинг амалдаги тартиблари сақлаб қолинадиган бўлса, мурожаатлар сони 2024 йилга бориб, 300 минг нафардан ортиши прогноз қилинмокда. Фукароларнинг ёшига доир пенсия тайинлаш учун мурожаатларнинг юқори суръатларда кўпайиб бориши уларнинг туғилиш даражаси юқори бўлган даврга тўғри келиши билан боғликдир.

_

 $^{^{32}}$ Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.



7-расм. Ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган фуқаролар сони, нафар³³

Бугунги кунда амал қилаётган пенсия таъминоти тизими камида 7 йил умумий иш стажи мавжуд бўлган шахсларга пенсия тайинланишини кўзда тутади. Бу хукук 7 йил меҳнат қилиб, Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантиришда энг кам ҳисса қўшган фуқароларга пенсия олиш имконини яратади. Фуқароларнинг меҳнат стажларини тасдиқлашда эса меҳнат дафтарчаси асосий ҳужжат ҳисобланади. Бироқ, меҳнат дафтарчаси собиқ Иттифоқ давридан бери амалда бўлиб келмоқда ва бугунги ахбороткоммуникация технологиялари даврида фуқароларнинг меҳнат стажларини ҳисобга олишни электрон тарзда амалга ошириш, меҳнат дафтарчаларини (қоғоз кўринишидаги архив ҳужжатларининг электрон шаклини яратиш, электрон нусха олиш) рақамлаштириш мақсадга мувофикдир. Бундан асосий мақсад тизим, энг аввало, Пенсия жамғармаси билан интеграллаштирилади.


Бизнинг фикримизча, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ва унинг манзиллигини янада кучайтириш, ногирон фарзанди бўлган аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида пенсия тайинлаш учун зарур бўлган 7 йиллик иш стажига эга бўлмаган болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга нафақа тўлаш мақсадга мувофикдир. Хусусан, болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга улар 55 ёшга етганларида, агар уларда пенсия тайинлаш учун зарур стаж мавжуд бўлмаса, ижтимоий нафақа тўлаш зарур. Бу эса мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш ва ногирон фарзанди бор аёлларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда пенсия таъминоти тизимининг ижтимоий адолатини таъминлайди.

Фуқароларнинг пенсия миқдорлари ва меҳнат қилиш давомийлиги ўртасидаги боғлиқлик заиф бўлиб, хусусан, 7 йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва 10 йиллик меҳнат стажига эга бўлган эркак пенсионерларнинг пенсия миқдорларининг ўртача миқдорлари ўртасидаги фарқ 13 минг сўмни

24

 $^{^{33}}$ Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

ёки 6 фоизга фарк килади ёки 20 йиллик стажга эга бўлган ва 25 йиллик стажга эга бўлган пенсионерларнинг пенсиялари ўртасидаги фарк 93,4 минг сўмни ёки 23,2 фоизни ташкил этмокда. Бундан кўринадики, пенсия микдори ва ходимнинг мехнат давомийлиги улуши ўртасидаги ўзаро боғликлик сезиларсиздир ва фукароларнинг муносиб пенсия олишлари учун мехнат фаолиятини рағбатлантириш максадига эга эмас.



8-расм. Иш стажига мувофик ўртача пенсия микдори (2018 йил 1 ноябрь холатига)³⁴

